

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУМАЛИКОВА ФЕРУЗА БАХТИЯРОВА

БЕМОРЛАРНИНГ АСОСИЙ ДАВОГА ТАРАФДОРЛИК
ДАРАЖАСИНИ ХАВОТИР-ДЕПРЕССИВ ҲОЛАТЛАРНИНГ
ЯҚҚОЛЛИК ПРЕДИКТОРЛАРИГА БОҒЛИҚЛИКДА ЎРГАНИШ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib448 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Нуриллаева Наргиза Мухтархановна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Рахимова Дилором Алимовна тиббиёт фанлари доктори Тулабоева Гавхар Мирокборовна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____куни тарқатилган.

(2020 йил _____даги №_____рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) жамиятнинг энг кўп касалланиш ва ўлим сабабларидан бири бўлиб, тиббий ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим муаммо ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ЮҚТК ва уларнинг асоратлари катта ёшдаги аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб, дунёнинг иқтисодий ривожланган кўпгина мамлакатларида барвақт ўлим ва эрта ногиронликнинг асосий сабабидир. ЮҚТК ўлимнинг 75% дан ортиғи паст ва ўртача даромадли мамлакатларда рўй беради. Дунё миқёсидаги статистик тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳар йили ЮҚТК оқибатидаги 17,9 миллион ўлимдан 7 миллионга яқини юрак ишемик касаллиги (ЮИК) туфайли содир бўлади»¹ қайд этилган. Экспертлар томонидан кардиоваскуляр хавф омилларини бартараф этиш ва ЮҚТК чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини яхшилаш орқали дунёда асосий ЮҚТК сабабли барвақт ўлим кўрсаткичини қарийб 30% ни олдини олиш ёки кечиктириш мумкинлиги таъкидланмоқда.

Жаҳон миқёсида ўтказилган бир қатор тадқиқотлар натижаларига асосланган ESC (European Society of Cardiology) экспертлар қўмитасининг 2019 йилга тегишли ЮИК ташхислаш ва даволаш бўйича клиник тавсияномаларида ЮИК ривожланиши, салбий кечиши, прогнози ва ўлим даражасига таъсир қилувчи кардиоваскуляр хавфнинг психосоциал омиллари кенг муҳокама этилган. Биринчи навбатга хавотирли ҳолатлар, шахсият ва депрессив бузилишлар муҳим аҳамиятга эга. Аффектив ҳолатлар, хусусан, хавотирли-депрессив синдром муаммоси кардиология амалиётида кенг тарқалганлиги, етарлича ўрганилмаганлиги ва этиопатогенезининг гетероген бўлгани сабабли долзарб муаммолардан биридир. Ҳозирги даврда депрессия номедикаментоз даво тамойилларига ва айниқса медикаментоз терапияга мунтазам риоя қилмасликнинг мустақил предиктори эканлиги ҳақида етарли далиллар тўпланган. ЮИК бўлган беморлар комплаентлигининг психосоциал омилларини эрта аниқлаш ва бартараф этиш узоқ муддатли даво жараёнига тарафдорлик муаммоларини ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз миқёсида аҳолига тиббий ёрдам сифатини ошириш, жумладан эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш ва ЮҚТК билан даволаш самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «... мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шуниндек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий қилиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб – қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш»²

¹ «WHO report on the situation in the field of cardiovascular diseases in the world 2016" (2017).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил, № 06, .2.

каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш аҳоли орасида юрак қон - томир касалликларини ҳавф омилларини эрта аниқлаш ва бартараф этиш, ЮИК мавжуд беморларнинг даво жараёнига мойиллик даражасини ошириш ва самарали тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали юрак-қон томир касалликлари асоратларини, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, бемор ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кенг миқёсли тадқиқотлар натижаларига кўра (Roordink H.V. et al., 2015; Оганов Р.Г. и соав., 2017; Abbudi S.J. et al., 2018), хавотирли-депрессив синдром билан оғриган шахсларнинг энг катта улушини ЮИК бўлган беморлар эгаллаган, жумладан, EUROASPIRE IV (2017) тадқиқотига асосан, кардиологик беморлар орасида хавотирли-депрессив ҳолатларни тарқалиши турли популяцияларда 30-40% ни ташкил қилган. Хавотирли-депрессив синдромнинг ЮИК ва унинг нохуш оқибатлари ривожланиши хавфига нисбатан прогностик аҳамиятини, шуниндек ЮИК бўлган беморларни шифокор тавсияларига риоя қилмасликдаги ўрнини баҳолашга бир қатор тадқиқотлар бағишланган. (Claxton A.J. et al., 2012; Weidenbacher H. et al., 2015; Seldenrijk A.A. et al., 2015; Manish K.J. et al., 2019). Кенг қамровли тадқиқотларда (ПРЕМЬЕРА, 2006; РЕЛИФ, 2007; РЕКВАЗА, 2017) таъкидланишича, ўтказилаётган медикаментоз терапия самарадорлигига эришиш учун ЮИК бўлган беморларга индивидуал ёндашув асносида даволашга тарафдорлик (комплаентлик) даражасига таъсир қилувчи муҳим омилларни чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Кам сонли тадқиқотлар ЮҚТК билан оғриган беморларнинг дори воситаларини мунтазам қабул қилишга нисбатан комплаентлигига психосоциал омилларнинг таъсирини

ўрганишга йўналтирилган (Агеев Ф.Т. и соав., 2014; Погосова Н.В. и соав., 2017; Goldstein С.М. et al., 2017).

Охирги ўн йиллар мобайнида ҳорижий тадқиқотларда депрессиянинг биокимёвий механизмларини юрак-қон томир тизимига бевосита патофизиологик таъсири ва бунинг оқибатида ЮИКни ҳаётга хавф солувчи клиник кўринишларини ривожланишдаги ўрни кўрсатилган (Cipriani A. et al., 2016; Cleare A.J. et al., 2017; Wang H.Y. et al., 2018). Бугунги кунда хавотирли-депрессив синдром диагностикаси биринчи навбатда кластерли симптомларни субъектив идентификациялашга асосланган бўлиб, бу эса ўз навбатида ташхис кўйишда юқори даражадаги хатоликларга сабаб бўлмоқда (Zheng P., 2016; Strawbridge R., 2017). Объектив диагностик усулнинг йўқлиги туфайли, депрессия билан оғриган беморларнинг ярмидан кам қисмида (кўпгина мамлакатларда 10% дан кам) самарали терапияга эришилади (Rzezniczek S., 2016; Pan J.X., 2018). Жадал суръатларда ривожланаётган далиллар шунини кўрсатадики, қондаги триптофан алмашинувининг кинуренинли йўли фаоллашувининг метаболитик маркерларини ва уларни хавотирли-депрессив синдром ривожланишидаги ўрнини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади (Xicong L., 2016; Kamiyu O., 2018).

ЮҚТКда, хусусан зўриқиш стенокардиясида кузатиладиган хавотирли-депрессив синдром ўзига хос жиҳатлари республикамиздаги илмий тадқиқотлар доирасида деярли ўрганилмаган. Ўзбекистонда сўнги йигирма йилликда республика етакчи мутахассислари (Қурбонов Р.Д., Ходжаев А.И., Нуриллаева Н.М. ва Салимова Н.Р.) томонидан ўтказилган тадқиқотлар хавотир-депрессив ҳолатларни клиник ташхисоти, ЮҚТК ривожланиши, клиник кечиши ва прогнозига таъсирини баҳолаш каби йўналишларда олиб борилган, бироқ специфик ва ишончли ташхислаш усулларига асосланган диагностик ва прогностик баҳолаш тизими яратилмаган. ЮИКда кузатиладиган хавотирли-депрессив синдромнинг биоклиник ва психопатологик таҳлили, уни зўриқиш стенокардияли беморларда нохуш клиник оқибатлар ва даволанишга қониқарсиз тарафдорлик предикторлари сифатида ўрганилмаганлигича қолмоқда. Доимий амбулатор кузатув шароитида ЮИК бўлган беморларни медикаментоз терапияга мунтазам риоя қилиш муаммосининг кўп қиррали хусусиятини ва услубий дастурларни етарли миқдорда мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, давога тарафдорликни психосоциал омилларини баҳолаш ва эрта аниқлаш, психологик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда комплаентликни ошириш усулларининг самарали моделини ишлаб чиқиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011500214-сонли «Асосий ЮҚТКнинг хавф омилларини ўрганиш ва профилактик чора-тадбирларни ҳамда патологик жараёнларни хусусиятига кўра уларни бартараф этиш усулларини ишлаб чиқиш» (2015-2019 йй) ва МУЗ-2015-0911120824 «Бирламчи тиббий-санитар

бўғинида рационал фармакотерапия ўтказилишини такомиллаштириш йўллари» (2016-2017 йй) ёш олимлар илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЮИК (зўриқиш стенокардияси) бўлган беморларнинг даво жараёнига тарафдорликни психосоциал жиҳатларини баҳолаш ва ошириш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЮИК (зўриқиш стенокардияси) бўлган беморларнинг шахсият ва психологик хусусиятларини кардиоваскуляр хавф омиллари билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

беморларнинг психоэмоционал ҳолатига кўра ЮИК кечишининг клиник-биокимёвий ва гемобиологик хусусиятларини таҳлил қилиш;

зўриқиш стенокардияси бўлган беморларда хавотирли-депрессив синдром ва кинуренин биомаркери миқдори орасидаги сабаб-оқибат, корреляцион боғлиқлигини ва предикторлик аҳамиятини аниқлаш;

беморларни даво жараёнига тарафдорлик даражасига ЮИКнинг хулқ-атвор ва психосоциал хавф омилларининг предикторлик аҳамиятини баҳолаш;

ЮИК (зўриқиш стенокардияси) бўлган беморларда асосий давога қониқарсиз тарафдорлик хавфини прогнозлаш ва уни ошириш усулларининг компьютер моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2019 йилларда Тошкент тиббиёт академияси Кўп тармоқли клиникасининг 1 ва 2 кардиология бўлимларида ЮИК, зўриқиш стенокардияси II - III ФС билан даволанган 102 нафар бемор ва 26 нафар соғлом шахс олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ЮИК бўлган беморлар ва соғлом шахслар веноз қони ва қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида клиник, психометрик, гемобиологик, масс-спектрометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЮОҚТК бўлган беморларда даво жараёнига тарафдорлик даражасига таъсир этувчи психосоциал жиҳатларнинг комплекс равишда клиник ва биокимёвий моҳияти баҳоланган;

психосоциал хавф омилларининг гемостаз тизимига бевосита комплекс таъсири натижасида қонда тромбоцитларнинг морфологик ўзгаришлар билан хавотир, депрессия ва D типли шахсият орасида ўзаро корреляцион боғлиқлик исботланган;

зўриқиш стенокардияли беморларда яққол намоён бўлган хавотирли-депрессив синдромда триптофан/серотонин алмашинувининг номутаносиблиги оқибатида кинуренин миқдорини ортиши масс-спектрометрик текширув асосида аниқланган;

ЮИК бўлган беморларда яққол ифодаланган хавотир-депрессив ҳолатларнинг клиник (шахсиятнинг D типли) ва биокимёвий (қондаги кинуренин миқдори) предикторлари очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЮИК ноҳуш клиник кечиши, тромбоцитар тизимнинг морфологик ўзгаришига ва беморларни давога тарафдорлигига нисбатан ЮҚТКнинг психосоциал хавф омилларини предикторлик моҳияти очиб берилган;

триптофан алмашинувининг кинуренин йўлининг метаболик маркерлари ЮИК бўлган беморларда хавотирли-депрессив синдром ривожланишининг прогностик мезони сифатида баҳоланган;

ЮИК бўлган беморларнинг шахсият ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даво жараёнига бетарафдорлик хавфини баҳолаш ва комплаентликни ошириш усуллари компьютер дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганлар сонининг етарлилиги, клиник, психометрик, гемобиологик, масс-спектрометрик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, шунингдек ЮИК хавотир-депрессив ҳолатларни ташхислаш ва медикаментоз терапия самарадорлигини оширишга янгича ёндошув тизими натижалари ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ЮИК бўлган беморларда яққол ифодаланган хавотирли-депрессив синдром ривожланишининг биокимёвий механизмлари ва касалликнинг салбий кечиши сабаблари аниқланганлиги, давога қониқарсиз тарафдорликни энг муҳим омиллари очиб берилганлиги, комплаентликни психологик тўсиқларини бартараф этувчи дори воситаларини стандарт давога қўшиш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЮИК бўлган беморларда оғир даражадаги хавотирли-депрессив синдром ривожланиши, ноҳуш клиник оқибатлар, шифокор тавсияларига риоя қилмаслик хавфини олдини олиш ва камайтириш, ўлим кўрсаткичини ва даволаниш харажатларини камайтириш, шунингдек беморларнинг ҳаёт сифати ва комплаентлигини яхшилашга имкон берувчи тадқиқот натижалари асосида шаклланган амалий тавсияномалар тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Беморларнинг асосий давога тарафдорлик даражасини хавотир-депрессив ҳолатларнинг яққоллик предикторларига боғлиқликда баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Юрак-қон томир касалликларида хавотир-депрессив ҳолатларни эрта ташхислаш усули» номли услубий тавсияномалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 16 майдаги 8н-р /190-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кардиологик беморларда хавотир-депрессив ҳолатларнинг клиник-лаборатор диагностикаси (хавотирли-депрессив синдроми ташхисоти биомаркерларининг масс-спектрометрик кўрсаткичлари асосида) ва психокоррекциясини такомиллаштиришга имкон берган;

«Даво жараёнига тарафдорликни баҳолаш ва оширишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш усули» номли услубий тавсияномалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 8н-р/431-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЮҚТК бўлган беморлар комплаентлигига таъсир этувчи омилларни баҳолашга комплекс ёндашув асносида беморларни давога тарафдорлигининг индивидуал прогнози асосланган ҳолда шифокор тактикасини мувофиқлаштириш имконини берган.

Илмий тадқиқот натижалари 1-сон Республика клиник шифохонаси, Тошкент вилояти Паркент тумани марказий кўп тармоқли поликлиникаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 майдаги 8н-д/123-сон маълумотномаси), Тошкент тиббиёт академияси кўптармоқли клиникасининг маслаҳат поликлиникаси ва Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 40-сонли оилавий поликлиникаси клиник амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 8н-д/266-сон маълумотномаси). Олинган натижалари амалиётга тадбиқ этилиши ЮҚТК билан оғриган беморларда хавотирли-депрессив синдром ни эрта ташхислаш сифатини яхшилаш, давога бемор комплаентлигини психологик тўсиқларини ўз вақтида бартараф этиш, даво тавсияларига тарафдорликни ошириш, беморнинг клиник ҳолатини барқарорлаштириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 1 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий текшириш натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**ЮИКда коморбидликнинг замонавий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида диссертация ишини долзарблиги асослаган ҳолда адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда ЮИК кечишида хавотирли-депрессив синдромнинг клиник-прогностик аҳамияти ва

тарқалганлигининг таҳлил қилинган. Хавотирли-депрессив синдром (ХДС) ривожланишининг патогенетик ва биокимёвий механизмларини моҳияти кенг ёритилган. Беморларда асосий даво жараёнига тарафдорликнинг клиник аҳамияти ва психосоциал жиҳатлари батафсил ўрганиб чиқилган.

Диссертациянинг «Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда даво жараёнига тарафдорликни тадқиқ қилиш усуллари ва клиник материаллар» иккинчи бобида тадқиқот объекти, предмети ва методлар келтирилган. Клиник текширишлар Тошкент тиббиёт академияси кўптармоқли клиникаси I, II - Кардиология ва маслаҳат поликлиникаси бўлимларида 2017-2019 йиллар давомида бажарилган. Тадқиқотга 125 та шахс, улардан 102 нафари ҳар иккала жинсдаги зўриқиш стенокардияли (ЗС) II-III ФС беморлар киритилган. Беморларнинг ўртача ёши $61,9 \pm 1,31$ ёшни ташкил этди. Назорат гуруҳини 26 нафар ЮҚТК билан хасталанмаган, ўртача ёши $48,4 \pm 1,77$ ёшли, икки жинсдаги амалий соғлом шахслар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида ЮҚТКнинг асосий хавф омиллари (ХО) учраш частотаси бўйича ўтказилган таҳлилга кўра, беморлар орасида ХДСнинг юқори тарқалганлик даражаси (47,1%) аниқланди. Мазкур далил асосида тадқиқотга жалб қилинган ЮИКли беморлар аффектив ўзгаришлар мавжудлигига кўра, икки гуруҳга бўлинган: асосий ва таққослаш гуруҳи (1-расм). Асосий гуруҳга Hospital Anxiety and Depression Scale – HADS сўровномаси асосида ташхисланган ХДС (HADS-A ва HADS-D шкалалар бўйича 8 ва ундан юқори балл тўплаш шарти билан) мавжуд бўлган 48 нафар бемор ташкил қилган. Таққослаш гуруҳини эса хавотир-депрессив ҳолатлар бўлмаган (HADS<8) 54 нафар ЮИК бўлган бемор ташкил этган.




1-расм. Тадқиқот объектларини гуруҳларга тақсимланиши

Тадқиқот дизайнига мувофиқ (2-расм), ЮИК бўлган беморларда клиник тавсифлаш, психометрик кўрсаткичлар (HADS, Ридер тести, DS-14), ҳаёт сифати (EUROQOL-5D ва EQ-VAS), даво жараёнига тарафдорлик даражасини (8-item Morisky Medication Adherence Scale - MMAS-8) баҳолашнинг замонавий усуллари, шуниндек умумклиник лаборатор ва инструментал текширувлар ўтказилган.

Юқори технологияли гемобиологик тадқиқот оқим цитометрияси усули ёрдамида қоннинг шаклли элементларининг тахлили доирасида тромбоцитлар морфологиясининг кенгайтирилган тахлилини (PLT, PDW, MPV, P-LSR, PCT ва IPF) ўз ичига олган. Мазкур текширув Республика иммунология илмий маркази қошидаги "Immunogen Test " илмий-диагностик марказда ўтказилган.

Масс-спектрометрик тадқиқот. Қонда триптофан алмашинувининг кинуренинли йўли метаболити – кинуренин (KYN) миқдор тахлили ЎзРес Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти лабораториясида юқори самарали суюқлик хромато масс-спектрометрия (ЮССХ-МС) усули ёрдамида амалга оширилди. Қондаги KYN миқдорини аниқлаш учун (қон плазмасидаги KYN нормал концентрацияси 1,3–2,5 мкмоль/л оралиғида), 99% софликдаги L - кинуренин сульфат реагентидан фойдаланилган (Sigma – Aldrich, Switzerland).



2-расм. Тадқиқот дизайни

Тадқиқот доирасида даво жараёнига паст даражадаги тарафдорлик хавфини баҳолаш ва уни соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини (ССББ) шароитида ошириш усуллари тавсия қилишнинг ЭХМ учун дастури: «Беморларни даволашда тарафдорлик даражасини баҳолаш ва уни ССББда ошириш усуллари» ишлаб чиқилган ва моҳияти батафсил ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг статистик тахлили Excel Microsoft Office 2012 электрон жадваллари ёрдамида амалга оширилган. Кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни статистик тавсифлаш учун Спирман корреляцион коэффициенти ҳисоблаб чиқилган. Логистик регрессия моделига асосланиб, 95% эҳтимоллик оралиғи (ЭО) ва р-қийматига мос ҳолда шанслар нисбати (ШН) ҳисобланган.

Диссертациянинг «**ЮИК (ЗС) бўлган беморларнинг психоэмоционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда клиник белгиларини комплекс тахлил қилиш**» деб номланган учинчи бобида ЗСли беморларда ЮКТКнинг асосий

ва психосоциал ХОни учраш частотаси ва ўзаро корреляцион боғлиқлиги баҳоланган.

Текширилган беморларда клиник-анамнестик сўров натижаларига кўра, ЮҚТКнинг асосий бошқариб бўладиган хавф омиллари ҳисобланган чекиш 23 (22,5%), ортиқча тана вазни 36 (35,3%), камҳаракатлилик 34 (33,3%), артериал гипертензия (АГ) 39 (38,2%), гиперхолестеринемия 44 (43,1%) беморда қайд этилган. Кардиоваскуляр хавфнинг психосоциал омиллари: хавотирли-депрессив синдром 48 (47,1%) ва психосоциал стресс 42 (41,2%) ва Д типдаги шахсият 55 (53,9 %) беморда аниқланган.

Психометрик таҳлил натижаларига кўра, асосий гуруҳда HADS-A шкаласи бўйича тўпланган ўртача 11,5±0,55 балл ва HADS-D бўйича 11,4±0,41 балл таққослаш гуруҳининг ўртача кўрсаткичларидан сезиларли даражада юқори бўлган, мос ҳолда 4,9±0,37 ва 5,7±0,36 балл (p <0,001). HADS сўровномаси натижалари таҳлил қилинганда, асосий гуруҳда 26 (63,4%) беморда яққол ифодаланган даражадаги ХДС ва 41 (85,4%) беморда аралаш хавотирли-депрессив ҳолатларнинг устунлиги қайд этилган (p<0.005).

1-жадвалдаги солиштирма таҳлилда келтирилишича, ЗСли беморларнинг психоэмоционал ҳолатига боғлиқ равишда ижтимоий-демографик хусусиятлар бўйича бир қатор тафовутлар кузатилган. ХДС мавжуд ЗСли беморлар бир мунча қўйи даражадаги маълумотга эгаллиги, жумладан, 16 (33,3%) бемор олий маълумотли, 32 (66,7%) ўрта маълумотли ва 10 (20,8%) шахс ишлаши аниқланган, аксинча ХДС бўлмаган беморлар орасида кўп ҳолларда олий маълумотлилар қайд этилган, мос ҳолда 26 (48,1%), 28 (51,9%) ва 17 (31,5%) (p <0.01).

1-жадвал

ЮИК бўлган беморларда анамнестик кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	«ЮИК+ХДС» гуруҳи, n=48	«ЮИК» гуруҳи, n=54
Ёши, (M±m)	61,5±1,45	60,4±1,47
Эркаклар, n (%)	27 (56,2%)	29 (53,7%)
Аёллар, n (%)	21 (43,8%)	25 (46,3%)
Маълумоти: юқори, n (%)	16 (33,3%)	23 (42,6%)**
ўрта махсус, n (%)	32 (66,7%)**	31 (57,4%)
Ижтимоий ҳолати: ишлайди, n (%)	10 (20,8%)	17 (31,5%)**
ишламайди, n (%)	9 (18,8%)	6 (11,1%)
нафақада, n (%)	22 (45,8%)	21 (38,9%)
ЮҚТК бўйича ирсият, n (%)	22 (45,8%)	41 (75,9%)**
АГ давомийлиги, (йил) (M±m)	8,4±0,75	8,1±0,79
ЮИК давомийлиги, (йил) (M±m)	5,3±0,48	5,5±0,61


Изоҳ: - *p<0,05, **p<0,01 асосий ва таққослаш гуруҳлараро фарқнинг ишончилиги.

ЗСли беморларнинг анамнестик маълумотларига мувофиқ, ЮҚТК бўйича ирсиятни ХДС кузатилмаган беморларда 75,9% ҳолатда асосий гуруҳдаги беморларга (45,8% ҳолатда) нисбатан ишончли даражада кўпроқ учраши кузатилган (p <0.01).

ЮҚТКнинг бошқариб бўладиган ХО учраш частотасини қиёсий таҳлили қўйидаги кўринишга эга бўлди: чекувчилар ХДС мавжуд ЗСли беморларда

31,3% ҳолатда таққослаш гуруҳидаги 14,8% ҳолатига нисбатан 2 баравар кўпроқ учраган ($p < 0.01$). ХДС бўлмаган беморларда жисмоний фаоллик асосий гуруҳга нисбатан 10,2%га юқорилиги қайд этилган, бироқ фарқлар ишончилиги кузатилмаган. Асосий ва таққослаш гуруҳлари орасида тана вазни индекси (ТВИ)нинг ўртача кўрсаткичлари бўйича тафовутлар аниқланмади, мос ҳолда $32,8 \pm 1,14$ ва $30,1 \pm 1,00$ кг/м² ни ташкил этди, лекин ХДС мавжуд 3Сли беморларда ортиқча тана вазнига мойилликнинг юқорилиги ва 3 даражали семизлик таққослаш гуруҳига нисбатан 2,6 марта кўпроқ қайд этилган ($p < 0.01$). Клиник текширув пайтида 3Сли беморлар орасида 3-даражали АГ кўпроқ ХДС мавжуд 23 (47,9%) беморларда, АГнинг 1 ва 2 даражаси эса кўпинча ХДС бўлмаган беморларда 35,2% ва 37% ҳолатларда кузатилган.

ЮИК бўлган беморлар шахсиятининг ўзига хос хусусиятларини ХДС ривожланишига нисбатан предикторлик моҳиятини баҳолаш шуни кўрсатдики, «дисстрессор»- Д типидagi шахсият асосий гуруҳ беморлари орасида 85,4% ҳолатларда таққослаш гуруҳига (25,9% ҳолатда) нисбатан сезиларли даражада кўпроқ учраган ($p < 0.0001$). Хавотир ва депрессиянинг оғирлик даражаси билан Д типли шахсият ($D/HADS-A$, $r=0,62$; $D/HADS-D$, $r=0,64$) ҳамда унинг иккала компоненти: салбий кўзғалувчанлик (negative affectivity, NA) ($NA/HADS-A$, $r=0,60$; $NA/HADS-D$, $r=0,61$) ва ижтимоий қаршилик (social inhibition, SI) ($SI/HADS-A$, $r=0,48$; $SI/HADS-D$, $r=0,58$) орасида ўрта кучли тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди, бу эса «дисстрессор» типидagi шахсиятни ЮИК бўлган беморларда яққол даражадаги психоэмоционал ҳолатларни ривожланиш хавфининг клиник предиктори сифатида аҳамият касб этади.



3-расм. Асосий ва психосоциал хавф омилларининг ўзаро корреляцион боғлиқлиги

Тадқиқотнинг натижалари шуни кўрсатадики, ЮИК бўлган беморларнинг шахсият - психологик хусусиятлари ва кардиоваскуляр хавф омиллари билан тўғри корреляцион боғлиқликлар аниқланди: АГ даражаси билан ХДС ($r=0,74$); NA ($r=0,71$); SI ($r=0,67$); шахсиятнинг Д тип ($r=0,58$) ва

ХДС+Д тип ($r=0,64$), семизлик даражаси билан (мос ҳолда, $r=0,68$; $r=0,62$; $r=0,75$; $r=0,77$ и $r=0,75$) ва гиперхолестеринемия билан (мос ҳолда, $r=0,61$; $r=0,48$; $r=0,52$; $r=0,5$ и $r=0,61$) энг баланд. Шуниндек, фақатгина стресс ва АГ даражаси ($r=0,51$; $p=0,01$), чекиш ва депрессия ҳамда ХДС+Д тип ($r=0,53$; $p=0,01$ и $r=0,56$; $p=0,01$) орасида кучли корреляцион боғлиқлик қайд этилган.

2-жадвалда келтирилган ЮИК бўлган беморларни шахсият ва психологик хусусиятларига боғлиқ равишда клиник-биокимёвий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилига кўра, ХДС мавжуд беморларда 35.4% ҳолатда таққослама гуруҳига (26.0% ҳолатда) қараганда ЗСнинг бир мунча юқори ФС III ($p < 0.05$), хавотир ва депрессиясиз беморларда эса ФС II устунлик қилган ($p < 0.05$). Барча текширилган беморларда ЮИК гипертония касаллиги фониди бўлган, бироқ иккала гуруҳ АГ даражаси бўйича ўзаро фарқлар ишончилиги билан тафовутланган ($p < 0.05$).

2-жадвал

Тадқиқот гуруҳлари беморларининг клиник тавсифи

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=48)	Таққослама гуруҳ (n=54)
Стенокардия ФС: II, n (%)	31 (64,6%)	40 (74,0%)
III, n (%)	17 (35,4%)*	14 (26,0%)
АГ: 1 даража, n (%)	11 (23%)	19 (35,2%)**
2 даража, n (%)	14 (29,1%)	20 (37%)*
3 даража, n (%)	23 (47,9%)**	15 (27,8%)
ЮКС, мин ($M \pm m$)	78,6 \pm 1,68*	74,8 \pm 1,74
АҚБ, мм сим.уст.:САД, ($M \pm m$)	156,0 \pm 3,34*	147,3 \pm 2,05
ДАБ, ($M \pm m$)	89,5 \pm 1,72	85,5 \pm 1,54
Ангиноз хуружлар сони хафтасига, ($M \pm m$)	1,87 \pm 0,72*	1,36 \pm 0,58

Изоҳ: - * $p < 0,05$, ** $p < 0,01$ асосий ва таққослаш гуруҳларо фарқнинг ишончилиги.

ЗСли бемор гуруҳлари ўртасидаги коагулограмма кўрсаткичларининг солиштирма таҳлил натижаларига кўра, ХДС мавжуд беморларда фибриноген миқдори 1,3 мартага ($p < 0.01$) ва ПТИ даражаси 1,4 мартага ($p < 0.01$) ишончли равишда ошганлиги аниқланган, бу эса ХДСнинг патофизиологик механизмлар орқали гемостаз тизимга салбий таъсирдан далолат беради (3-жадвал).

3-жадвал

Текширилаётган гуруҳларда коагулограмма кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=48)	Таққослама гуруҳ (n=54)
Гематокрит, %	42,5 \pm 0,81	44,4 \pm 1,54
ТВ, сек	21,0 \pm 1,31**	26,7 \pm 1,27
ФВВ, мг/dl	323,3 \pm 16,96**	238,1 \pm 11,43
ПВ, сек	11,5 \pm 0,66**	16,3 \pm 1,04
ПТИ, %	103,1 \pm 5,31**	72,2 \pm 7,28
АЧТВ, сек	25,6 \pm 0,99**	32,2 \pm 1,40

Изоҳ: - * $p < 0,05$, ** $p < 0,01$ асосий ва таққослаш гуруҳларо фарқнинг ишончилиги

«Тромбоцитлар морфологик ўзгаришларига нисбатан ЮКТКнинг психосоциал хавф омилларининг прогностик аҳамияти» номли тўртинчи бобида, қоннинг оқим цитометрияси усулида аниқланган тромбоцитар индексларга Психосоциал ХОнинг ўзаро таъсири баҳоланган. Натижаларга

кўра, тадқиқот гуруҳлари ўртасида тромбоцитларнинг сифати ва миқдори ўзгариши бўйича тафовутлар қайд этилган (4-жадвал).

4-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида тромбоцитларнинг морфологик хусусиятлари

Тромбоцитар индекслар	Асосий гуруҳ	Таққослама гуруҳ	Назорат гуруҳи
PLT, $10^9/L$	$312,1 \pm 17,17^{**}$	$220,4 \pm 10,48$	$242,6 \pm 19,81$
PDW, fL	$17,0 \pm 0,94^*$	$13,6 \pm 0,76$	$11,2 \pm 0,58$
MPV, fL	$11,3 \pm 0,42^{**}$	$9,7 \pm 0,23$	$9,7 \pm 0,32$
P-LCR, %	$31,2 \pm 1,49$	$27,7 \pm 1,19$	$25,9 \pm 1,9$
IPF, %	$0,3 \pm 0,02^{**}$	$0,2 \pm 0,01$	$0,23 \pm 0,02$
PCT, %	$2,4 \pm 0,35$	$1,9 \pm 0,30$	$2,1 \pm 0,39$

Изоҳ: - * $p < 0,05$, ** $p < 0,01$ асосий ва таққослаш гуруҳлараро фарқнинг ишончилиги

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги беморларда тромбоген хавф омили - тромбоцитларнинг ўртача миқдори (PLT) $312,1 \pm 17,17 \times 10^9/l$ ва Д туридаги шахсиятли беморларда PLT $316,7 \pm 17,54 \times 10^9/l$ ни ташкил этган, бу эса таққослаш гуруҳининг PLT қийматидан $220,4 \pm 10,48 \times 10^9/l$ бир мунча юқорилиги аниқланди ($p < 0,05$). Назорат гуруҳида PLT кўрсаткичи $242,6 \pm 19,81 \times 10^9/l$ ни ташкил этди, шу билан бирга «дисстрессор» типидagi соғлом шахсларда PLT кўрсаткичи ўртача $298,7 \pm 14,9 \times 10^9/l$ гача ошишига мойиллик кузатилган ($p < 0,01$).

PDW - тромбоцитлар ўлчамининг гетерогенлиги индексини ўртача қиймати асосий гуруҳдаги беморларда таққослаш гуруҳига нисбатан ишончли даражада юқорилиги қайд этилган, мос ҳолда, $17,0 \pm 0,94$ fL ва $13,6 \pm 0,76$ fL ($p < 0,01$). Тромбоцитларнинг ўртача ҳажми (MPV) нинг ўртача миқдори ХДС мавжуд беморларда $11,3 \pm 0,42$ fL гача ошган, таққослаш ва назорат гуруҳлари кўрсаткичларидан фарқли ўлароқ, мос ҳолда $9,7 \pm 0,23$ ва $8,7 \pm 0,28$ fL ни ташкил этган ($p < 0,01$). Бироқ, P - LCR, PCT ва IPF тромбоцитар индекслар ўртача қиймати бўйича тадқиқот гуруҳлари орасида аҳамиятли тафовутлар кузатилмаган: асосий гуруҳда мос ҳолда $31,2 \pm 1,49\%$, $0,3 \pm 0,02\%$, $2,4 \pm 0,35\%$; таққослаш гуруҳида $27,7 \pm 1,19\%$, $0,2 \pm 0,01\%$, $1,9 \pm 0,30\%$ ва назорат гуруҳида $25,9 \pm 1,9\%$, $0,23 \pm 0,02\%$, $2,1 \pm 0,39\%$.

5-жадвал

Тромбоцитлар морфологик ўзгаришларининг предикторлари


Психосоциал хавф омиллари	ШН	ЭО 95%	p
Хавотир	1,78	1,12 - 2,84	0,015
Депрессия	8,95	2,08 - 38,49	0,003
Салбий қўзғалувчанлик	1,57	0,89 - 2,74	0,115
Ижтимоий қаршилик	1,54	0,98 - 2,42	0,065
Шахсиятнинг Д типи	2,32	1,57 - 3,44	0,001

Изоҳ: ШН- шанслар нисбати, ЭО- эҳтимоллик оралиғи.

ЗСли беморларда депрессия ёки ХДС шахсиятнинг Д типи билан биргаликда кузатилганда тромбоцитларнинг морфологик ўзгаришлари хавфи 2,3 ва 2,5 барабар ортган, бу эса ЮҚТКнинг психосоциал ХО таъсири оқибати-даги

юқори тромбоген хавфдан далолат беради. Логистик регрессион таҳлил натижаларига кўра, қоннинг тромбоген потенциалини ўсишига нисбатан ЮИКли беморларнинг шахсият ва психологик хусусиятларини предикторлик моҳияти Д тип, хавотир ва депрессияни тромбоцитар индекслар кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқлиги билан асосланган (5-жадвал).

Диссертациянинг «Триптофан алмашинувининг кинуренинли йўли метаболит маркерларини ЮИК (ЗС) бўлган беморларда хавотирли-депрессив синдром ташхисотидаги ўрни», деб номланган бешинчи бобида триптофан алмашинувининг кинуренинли йўлини (kynurenine pathway, КР) асосий метаболити – Кинуренин (KYN) нинг қондаги миқдорини ЮИКли беморларда яққол даражадаги ХДС ривожланиш хавфига нисбатан предикторлик моҳияти ва корреляцион боғлиқлигини баҳоланган.




4-расм. Kynurenine метаболит маркерининг хроматографик тасвири
Изох: Асосий гуруҳ (а), таққослама гуруҳи (б), назорат гуруҳининг (с) намуналари.

4-расмда келтирилган тадқиқот гуруҳлари қон плазмасида KYN масс-спектрли хроматограммаларда аниқланаётган метаболитнинг молекуляр ионларининг юқори интенсив чўққилари яққол тасвирланган. KYN изобутил эфирини молекуляр иони чўққисини мавжудлиги ($[M+H]^+ = 281.171$), унинг биокимёвий таҳлил шароитида барқарорлигидан далолат бериб, бу эса масс-спектрометриқ усул ёрдамида KYN миқдорини аниқлашнинг принципиал имкониятини, шунингдек намуна ҳажмини 0,5 мкл ва қонда KYN наномолар концентрацияси ҳисобига таҳлилнинг юқори сезгирлигини тасдиқлаган.

Қондаги KYN миқдорини масс-спектрометриқ таҳлили 80 нафар ЗСли беморларда ва 18 нафар соғлом шахслар ўтказилган. Кинуренин метаболитини


миқдорий таҳлил натижаларига кўра, қондаги КҮН концентрациясини ёш ва жинсга боғлиқ тафовутлар аниқланган (5-расм).



5-расм. Қондаги кинуренин миқдорини ёш ва жинсга хос ўзгаришлари

Қонда КҮН ўртача миқдори кексаларда ўрта ёшдагиларга қараганда 1,2 баравар юқори бўлиб, мос ҳолда $2,84 \pm 0,13$ мкмоль/л ва $2,38 \pm 0,07$ мкмоль/л ни ташкил этган ($p < 0,001$). Таҳлил натижаларига кўра, эркакларда қонда КҮН нинг ўртача $2,75 \pm 0,11$ мкмоль/л концентрацияси аёлларнинг ўртача $2,49 \pm 0,09$ мкмоль/л кўрсаткичларидан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланган. Бу эса беморларнинг ёши ва жинсини триптофан алмашинувини кинуренин йўлини фаоллашувига таъсири мавжудлигидан далолат беради.

Қон плазмасида КҮН миқдорининг қиёсий таҳлиliga кўра, тадқиқот гуруҳлари орасида статистик аҳамиятли тафовутлар аниқланган (6-расм).




6-расм. Тадқиқот гуруҳларида КҮНнинг миқдорий таҳлили

Натижаларга кўра, ХДС мавжуд ЗСли беморларда қондаги КҮН ўртача миқдори $3,21 \pm 0,13$ мкмоль/л ташкил этди, бу ўз навбатида хавотир-депрессив ҳолатлар бўлмаган беморларнинг ўртача $2,45 \pm 0,11$ мкмоль/л кўрсаткичидан бир мунча юқорилиги қайд этилган ($p < 0,05$). Олинган далиллар КҮН нейротоксик метаболитини қондаги концентрацияси ортиши ЮИК бўлган беморларда яққол ифодаланган ХДС ривожланишига мойиллик кузатилиши билан изоҳланади. Эътироф этиш лозимки, қондаги КҮН ўртача миқдори назорат гуруҳининг ўртача $1,78 \pm 0,05$ мкмоль/л кўрсаткичларига нисбатан

нафақат асосий гуруҳда, балки таққослама гуруҳда ҳам соғлом шахслардан ишончли даражада юқорилиги қайд этилган ($p < 0.01$).

ЮИК бўлган беморларда қондаги КҮН юқори миқдорини хавотир ва депрессиянинг ривожланишидаги предикторлик аҳамияти ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик мавжудлиги билан тасдиқланади. 7-расмда келтирилган корреляцион таҳлилга кўра, қонда КҮН концентрацияси ва HADS-A шкаласи бўйича хавотир даражаси ($r=0,54$; $p=0,05$), HADS-D бўйича депрессия даражаси орасида тўғри корреляцион боғлиқликлар аниқланган ($r=0,57$; $p=0,01$).




7-расм. Қондаги КҮН миқдори билан хавотир ва депрессия даражаси ўртасидаги корреляцион боғлиқликни баҳолаш

Логистик регрессия таҳлили шуни кўрсатдики, КҮН метаболитининг қондаги юқори концентрацияси хавотир ва депрессив ҳолатлар ривожланиши хавфига таъсир қилувчи муҳим предиктор сифатида: депрессия (ШН 2.32, ЭО 1.58 - 3.46; $p=0.001$); хавотир (ШН 1.52, ЭО 0.97 - 2.40; $p=0.066$) ва аралаш ХДС (ШН 1.76, ЭО 1.12 - 2.82; $p=0.015$) ривожланишига сабаб бўлади.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, қондаги КҮН миқдори билан ЗС оғирлиги ($r=0,41$; $p<0,01$), АГ даражаси ($r=0.34$; $p<0.01$) орасида ўрта кучли ва систолик АҚБ ($r=0.27$; $p<0.05$), диастолик АҚБ ($r=0.19$; $p<0.05$) билан кучсиз корреляцион боғлиқлик аниқланган. КҮН миқдорий даражасини биокимёвий ва гемобиологик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги таҳлили қуйидаги кўринишга эга бўлди: КҮН миқдори ва умумий холестерин ($r=0.39$), ТГ ($r=0.31$), ПЗЛП ($r=0.38$), АК ($r=0.41$), фибриноген ($r=0.45$; $p<0.01$) ва ПТИ даражаси ($r=0.39$; $p<0,05$) орасида ўрта кучли тўғри боғлиқлик, шунингдек, ХС-ЛПВП ($r=0,39$), ТВ ($r=0,27$; $p<0,05$) и ПВ ($r=0,27$; $p<0,05$) қийматлари орасида ўрта кучли тесқари корреляцион боғлиқлик қайд этилган, бу эса кинуренин метаболити концентрацияси билан атеротромбознинг асосий омилларини ишончли равишда ўзаро боғлиқлигидан далолат беради. Эътироф жоизки, КҮН миқдори билан тромбоцитар индекслар орасида ҳам тўғри корреляцион боғланиш кузатилган: PLT ($r=0,57$; $p<0,01$), PDW ($r=0,51$; $p<0,05$), MPV ($r=0,36$; $p<0,05$).

Фикримизча, масс-спектрометрик усулда қондаги КУНни миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳолаш ЮИКнинг нохуш клиник кечиши, тромбоцитлар морфологик ўзгаришига нисбатан муҳим прогностик аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Хавотирли-депрессив синдром фонида ЮИК бўлган беморларни асосий даво жараёнига тарафдорлик**» номли олтинчи бобида ЗСли беморларни медикаментоз терапияга комплаентлигининг психосоциал жиҳатлари таҳлил қилинган. ЗСли беморларда ўтказилган сўров натижалари таҳлиliga кўра, асосий гуруҳда ММАС-8 бўйича ўртача $3,1 \pm 0,29$ балл ва фоиз нисбатида $40,5 \pm 4,29\%$ давога тарафдорлик даражалари қайд этилган, қайсики жуда паст даражадаги комплаентликдан далолат беради. Таққослаш гуруҳида эса давога тарафдорлик даражаси сезиларли равишда юқори бўлиб, мос ҳолда $5,6 \pm 0,27$ балл ва $68,7 \pm 3,76\%$ ташкил этди (8-расм).



Примечание: * - $p < 0,01$ достоверное отличие показателей

8-расм. Тадқиқот гуруҳларида тарафдорлик даражасини таҳлили

Таъкидлаш жоизки, тарафдорлик даражасини баҳолаш усуллари бир-бири билан мувофиқлигини аниқлаш жараёнида ММАС-8 сўровномаси баллари ва фоиз кўрсаткичлари орасида кучли корреляцион боғлиқлик ($r=0,79$, $p < 0,001$) қайд этилган. Ушбу таҳлил натижаларига кўра, амбулатор тизим клиник амалиётида ЮҚТК билан оғриган беморларда даво жараёнига тарафдорликни баҳолашда иккала усулдан биргаликда ёки алоҳида равишда фойдаланиш имкони асослаб берилган.

ЮИК бўлган беморлар томонидан қабул қилинган асосий дори воситалар (ДВ) синфлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, тадқиқот гуруҳлари ўртасида аксарият ДВ мунтазам қабули борасида тафовутлар аниқланган (6-жадвал). ХДС мавжуд беморларда хавотир ва депрессия бўлмаган беморларга қараганда бир қанча ДВ гуруҳларига паст даражадаги тарафдорлик аниқланган, жумладан статинларга нисбатан $15,8\%$ ($p < 0,01$), БАБ 17% ($p < 0,01$) ва КА $13,2\%$ ташкил этган ($p < 0,05$). Шунинг таъкидлаш жоизки, статинларни қабул қилишга тарафдорлик ҳар иккала тадқиқот гуруҳида ҳам энг қониқарсиз даражада эканлиги қайд этилган.

Асосий дори восита гуруҳлари бўйича қиёсий таҳлил

Дори воситалари гуруҳи	Асосий гуруҳ (n=48)			Таққослама гуруҳи (n=54)		
	Тавсия этилган	Қабул қилинган	Қабул қилинмаган	Тавсия этилган	Қабул қилинган	Қабул қилинмаган
	n (%)			n (%)		
ПН	8 (16,7)	3 (37,5)	5 (62,5)	7 (13)	3 (42,8)	4 (57,2)
БАБ	39 (81,3)	19 (48,7)*	20 (51,3)	35 (64,8)	23 (65,7)	12 (34,3)
КА	22 (45,3)	9 (41)*	13 (59)	24 (44,4)	13 (54,2)	11 (45,8)
Антиагрегантлар	45 (93,7)	31 (68,9)	14 (31,1)	49 (90,7)	37 (75,5)	12 (24,5)
Статинлар	33 (68,7)	10 (30,3)*	23 (69,7)	26 (51,8)	12 (46,1)	14 (53,9)
иААФ/АРБ	44 (91,6)	23 (52,3)	21 (47,7)	44 (81,5)	27 (61,4)	16 (36,6)

Изоҳ: ПН – пролонгирланган нитратлар; БАБ - бета- адреноблокаторлар; КА – кальций антагонистлари; иААФ - ангиотензинни айлантирувчи фермент ингибиторлари; АРБ – ангиотензин II рецепторлари блокаторлари; * - $p < 0,05$ кўрсаткичлар орасидаги фарқнинг ишончлилиги

Беморларни медикаментоз даво тавсияларига риоя қилишга психоэмоционал ҳолатларнинг бевосита таъсири далиллари асосидаги ЮҚТКнинг психосоциал ХО (хавотир, депрессия, стресс, Д типдаги шахсият) ва ЗСли беморларни комплаентлик даражаси орасидаги боғлиқликни корреляцион таҳлиliga кўра, тарафдорлик даражаси билан депрессия ($r = -0,60$; $p < 0,01$), хавотир ($r = -0,58$; $p < 0,01$) ва шахсиятнинг Д типи ($r = -0,53$; $p < 0,01$) орасида кучли тесқари корреляцион боғлиқлик аниқланган, яъни психосоциал ХО даражаси қанчалик юқори бўлса, даволанишга риоя қилиш даражаси шунча паст бўлади.

